

# **Мавзу:«Ишчи ҳолатлар ва тароватлар»**


## **Режа:**

- 1.Ишчи ўриндиқларга бўлган  
эргономик талаблар.**
- 2. Ишчи ўринни ташкил қилишга  
бўлган эргономик талаблар.**
- 3. Иш ўринларини эргономик  
параметрлари.**

- **Иш ўрни ва уни ташкил қилиш.**
- **Инсон-техника-мухит системасида иш ўрнининг асосий элементлардан бири бўлган инсон-операторнинг меҳнат фаолиятини ташкил қилишида уни ҳар томонлама эргономик ўрганиш ва лойиҳалашни талаб қилинади.**  
**Операторни иш ўрни бир неча хил таърифланади.**
- **Операторнинг иш ўрни** оператор ёки операторлар груҳи меҳнат фаолияти олиб борадиган, зарур техник воситалар билан жиҳозланган зона.

- Операторнинг иш ўрни ишлаб чиқариш жараёнининг назорат қилиш ва бошқаларни функцияларини амалга ошириши учун зарур техник воситалар ва ёрдамчи қўрилмалар билан жиҳозланган-инсон-техника-муҳит системасидаги инсоннинг меҳнат фаолияти зонасидир.

**Операторнинг иш ўрни  
маълумотларини қайд қилиш,  
бошқариш органлари, ёрдамчи  
қурилмалар билан жихозланган.  
ИНСОН -ТЕХНИКА-МУҲИТ  
системасидаги инсоннинг меҳнат  
фаолияти олиб борадиган ўрни  
(жойи). Ёки иш ўрни меҳнатнинг уч  
элементи предмет, воситалар, меҳнат  
субъекти ўзаро таъсирида бўлган  
ишлаб чиқаришнинг энг кичик яхлит  
бирлигидир.**



1-расм Инсон  
кули етадиган  
зоналар:

*а* – вертикал  
юзада;

*б* – горизонтал  
юзада.

## **Иш үрни бўлиши мумкин:**

- 1. Операторлар сонига кўра индивидуал ва жамоа бўлиб(грухълар билан);**
- 2. Малакаси бўйича; универсал, маҳсус;**
- 3. Механизация даражаси бўйича;  
автоматлаштирилган  
механизациялашган, қўлда иш  
бажарилувчи иш ўринлари, назорат  
қайд қилиш ва бошқариш воситалари  
ёрдамида оператор томонидан  
бажариладиган асосий функцияларга  
қараб иш үрни бўлиши мумкин;**

**Оператор томонидан бажарылдиган асосий  
функцияларга қараб иш үрни бўлиши мумкин:**

- 1.** Оператив бошқариш иш үрни бошқариш команда бериш, фармоиш, буйруқ бериш масалаларини ечиш учун мўлжаланган иш үрни маълумотномалар бўлган жамланган иш үрни система ҳолати ҳақида маълумотномаларни шакллантириши узатиш ва қабул қилиш учун хизмат қиладиган иш үрни.
- 2.** Маълумотномаларни қўлда киритиш учун иш үрни
- 3.** Функционал технологик назорат иш үрни, техник воситалар ва алоқа каналлари устида оператив назорат қилиб туриладиган иш үрни;
- 4.** ЭМ дастурчисининг иш үрни;
- 5.** Комбиницияли иш үрни, оператор томонидан бир неча функцияларни бажариши мумкин бўлган иш үрни;

Иш ўрнини эргономик ўрганиш ва  
лойиҳалаштириш аввал уни  
жихозланганлиги ва ташкил этишни  
ўрганишни тақозо қиласи.

Иш ўрнини ташкил қилиш бу оптимал  
мехнат фаолияти шароитларини  
таъминлаш учун техник воситалар ва  
ёрдамчи қурилмаларни(мехнат  
воситалари) иш ўрнида жойлаштириш  
ва фаолият кўрсатиши бўйича  
тадбирлар системасини ўтказиш  
жараёнидир.

**Асосий меңнат воситалариға  
оператор меңнат фаолияти  
операцияларини бажаришда  
бевосита фойдаланаётган  
қурилмалар киради(технологик  
қурилмалар, стендылар, транспорт  
воситалари ва ҳоказо).**

**Ёрдамчи қурилмаларга  
технологик ва ташкилий  
жиҳозлар киради. Ёрдамчи  
қурилмалар иш үрнида асосий  
воситаларни самарали  
ишлатилишини таъминлайди.**

## **Иш жойига қўйиладиган талаблар:**

- 1.** Иш жойини тўғри ташкил қилиш- бу эргономик талабларни ҳисобга олган ҳолда асосий ва ёрдамчи меҳнат воситаларини самарали режалаштириш ва жойлаштиришdir.
- 2.** Иш жойини ташкил қилишда қўйидаги асосий шартларга риоя қилиши зарур.
- 3.** Операторга меҳнат фаолияти жараёнида барча ҳаракатлар ва силжишларни бажариши учун етарли ишчи майдон ҳажмини яратиш;
- 4.** Оператор билан техника орасида, ҳамда операторлар орасида (гуруҳ бўлиб ишлаганида) етарли даражада физик, эшитиш ва кўриш алоқаларини яратиш;
- 5.** Бошқариш воситаларини операторнинг ҳаракат (мотор) чегарасида жойлаштириши (энiga, бўйига, чуқурлигига);

- 6.Меҳнат жараёни хусусиятларидан келиб чиқадиган асосий ва ёрдамчи операцияларни операторнинг ишчи ҳолатида бажариш имконияти бўлиши;
7. Ишчи мұхит факторларининг оптимал, руҳсат этилган чегарасида бўлиши,(атроф мұхит шароити, шовқин, титроқ, ёритилганлик ва бошқалар);
8. Операторни атроф мұхитнинг хавфли ва зарарлы факторлари таъсиридан ҳимояловчи зарур воситалар яратиш;
- 9.Операторнинг муддатидан олдин чарчоғини олдини олиш ёки камайтириш;
- 10.Визуал маълумотларининг оптимал кўринишини (обзор) таъминлаш;
- 11.Ишчи ҳолатини алмаштириб туриш.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАХМАТ!**